

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/29.02.2024. Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУСТАМОВА ШАҲЛО АБДУҲАКИМОВНА**

**КЕСАР КЕСИШ ОПЕРАЦИЯСИ БИЛАН ТУҒИЛГАН  
БОЛАЛАРДА ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ КЕЧИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.10 - Юқумли касалликлар**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

УЎК: 616.34-002.1-053.3: 616-089.888.61

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рустамова Шахло Абдухакимовна**  
**Кесар кесиш операцияси билан туғилган болаларда ўткир ичак**  
**инфекцияларининг кечиш хусусиятлари .....3**

**Рустамова Шахло Абдухакимовна**  
**Особенности течения острых кишечных инфекций у детей,**  
**рожденных путем кесарево сечения..... 27**

**Rustamova Shaxlo Abdulakimovna**  
**Features of the course o intestinal infections in children born**  
**by caesarean section.....51**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
**Список опубликованных работ**  
**List of published works ..... 56**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/29.02.2024. Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУСТАМОВА ШАҲЛО АБДУҲАКИМОВНА**

**КЕСАР КЕСИШ ОПЕРАЦИЯСИ БИЛАН ТУҒИЛГАН  
БОЛАЛАРДА ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ КЕЧИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.10 - Юқумли касалликлар**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib3547 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Вафокулов Саъдулло Ҳакимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзоева Меҳринисо Ризоевна**  
тиббиёт фанлари доктори, (DSc),

**Таджиев Ботир Мирхошимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети**  
(Тожикистон республикаси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/29.02.2024. Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Веб-саҳифа: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. (e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Ж. Тешаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Қ. Дўстова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**А.Р. Облокулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш муаммосининг юзасидан фаол иш олиб борилмоқда. Хорижий давлатларда оналар ва перинатал ўлим даражасининг олдини олиш мақсадида охириги 10 йилликда кесар кесиш операциясига тавсияларнинг оширилиши натижасида кесар кесиш операцияси ўтказилиши кун сайин ортиб бормоқда. Туғилишдан олдин стерил бўлган бола организмида микробиопатнинг бирламчи колонизацияси табиий туғруқ йўллари орқали она териси, унинг қин микрофлораси билан алоқа орқали шаклланади. Тадқиқотларда кесар кесиш амалиёти билан туғилган болаларда она микрофлораси билан бирламчи алоқанинг бўлмаслиги оқибатида ичак микрофлораси таркибида бифидобактериялар миқдори паст бўлиши, шартли патоген микроорганизмларнинг ҳаддан ташқари кўплиги билан ажралиб туриши аниқланган. Бу ҳолат болалар юқумли касалликлари орасида ўткир ичак инфекциялари билан касалланган болалар сонининг ортишига ўз хиссасини қўшиши эҳтимолдан холи эмас.<sup>1</sup>

Жаҳонда статистик маълумотларга кўра, кесар кесиш операцияси йўли билан туғилганлар сонининг кескин ортиши кузатилмоқда. Ривожланган мамлакатларда бу жарроҳлик усулларининг деярли ярми "она илтимосига кўра" амалга оширилади. Хитой, Ҳиндистон, Лотин Америкаси, Туркия, Тайван, Жанубий Корея, Эрон каби давлатларда аёллар орасида кесар кесиш операцияси сони 40% га яқинлашмоқда ёки бу кўрсаткичдан ошмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, болалар орасида перинатал ўлим кўрсаткичини камайтириш мақсадида кесар кесиш операциясига кўрсатмалар сонининг ортиши фақат қисман ўзини оқлайди. Туғилган чақалоқларнинг ичакларидаги микроблар колонизацияси мультифакториал жараён бўлиб, бу жараёнга боланинг гестацион ёши ва туғруқнинг қай тариқа амалга оширилиши катта таъсир кўрсатади. Табиий туғруқ йўллари орқали туғруқнинг бўлмаслиги эрта неонатал даврда компенсатор адаптив реакцияларнинг ўзгариши натижасида юқумли касалликлар, жумладан, ўткир респиратор инфекция, ўткир диарея, атопик дерматит, неонатал сепсис касалликлари кузатилиши мумкин. Кесар кесиш йўли билан туғилган чақалоқларнинг ичаклар колонизацияси таркиби, шунингдек уларда ўткир ичак инфекцияларининг кечиши ва клиник белгилари, ҳамда туғилган болаларда ичак микробиоценози таркибини коррекциялаш усуллари амалиётга тадбиқ этилмаган.

Мамлакатимизда охириги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли юқумли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Radzinsky VYe, Knyazev SA. Reduce the proportion of caesarean sections: WHO's urgent recommendations to reduce the proportion of caesarean sections. Status Presens, 2015, 6: 11-20.

Президентининг 2022 йил 18 март куни соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказган «Тиббиётдаги ислохотлар - инсон қадри учун» мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар оналик ва болалиқни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди, натижада оналар ва гўдақлар ўлимининг камайишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил «30» ноябрдаги 273-сонли буйруғининг 14 иловасида «Кесар кесиш жарроҳлик амалиётини ўтказиш бўйича миллий клиник баённома» да ҳам кесар кесиш йўли билан туғилган болаларни эрта болалиқ даврида парвариши, касалликлар диспансеризацияси ва эмлашга тайёрлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмас. Шунга асосан, кесар кесиш йўли билан туғилган болаларни туғруқдан кейинги даврда юқумли касалликларга чалинши хавфини камайтириш, уларни диспансер кузатувини йўлга қўйиш бўйича ёндашувларни такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2022-йил 25-апрелдаги ПҚ-216-сон «Оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида» ги қарорига ва 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига ва мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Ушбу ҳужжатлар доирасида белгиланган вазифаларни бажариш учун тадқиқот амалга оширилган.<sup>2</sup>

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация иши республика фанлари ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларидан бири VI. «Тиббиёт ва фармакология» га мувофиқ равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий адабиётлар муаллифлари (А. Ashida ва М. Camilleri, 2017; Lina Sofía Palacio-Mejía 2020; Margherita Gnocchi, 2020) ўткир диареяларнинг эрта даволаш ва олдини олишда муҳим бўлган замонавий ташхислаш масалаларини кенг ёритишган. Шунингдек, болаларда юқумли ичак касалликларини даволашда пробиотикларнинг роли ўрганилган (Donald F., 2021) .

Рус олимлари болалар ўртасида кечадиган ўткир юқумли ичак касалликларининг клиник кечиш хусусиятлари ва даволашда пробиотиклар аҳамиятини аниқлашган (Е.А. Горелов 2015, Е.И.Краснова 2018). Шунингдек, кесар кесиш йўли билан туғилган болаларнинг мослашиш хусусиятларини, уларда юқумли касалликлар ривожланиш хавфларини таҳлил этишган (Скляднева К. А. 2014, Шайхиева Г. С. 2019). Ўткир ичак инфекциялари муаммосини ўрганишга катта ҳисса қўшган А. В. Горелов (2013), А. А.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 25.04.2022 йилдаги ПҚ-216-сон «2022 — 2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»

Плоскирев (2012), Д.В. Усенко ва Е.А. Гореловлар (2015), Е.И.Краснова (2018) болалар ўртасида кечадиган ўткир юқумли ичак касалликларининг клиник кечиши хусусиятлари ва даволашда пробиотиклар ролини акс эттиришган.

Ўзбекистонда «Эрта ёшдаги болаларда постдиарея синдром ва паразитозлар аниқланилган ҳолатда ичак микробиоценози ҳолати» ўрганилган (Г.А.Ибадова, 2011). Шунингдек, «Ўзбекистонда вирусли диареялар: клиник, диагностик, молекуляр ва генетик аспекти» (М.У.Асилова, 2015), «Бактериал ичак инфекциялари кўзгатувчиларининг фенотипик ва генотипик тавсифи ҳамда уларнинг дориларга чидамлилиги ривожланишида аҳамияти» (Г.К.Абдухалилова, 2018), «Болаларда ичак инфекцияларининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва даволаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш» (М.С.Шаджалилова, 2018) ва «Болаларда кечадиган диареяли инфекцияларнинг ташхисини ҳамда даволаш услубларини такомиллаштириш» (У.Э.Эралиев 2018), «Илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларнинг клиник-иммунологик хусусиятлари» (К.А.Мулладжанова, 2021) хусусиятларини ўрганишган. Кесар кесиш операциясидан сўнг аёллар репродуктив ҳолати ва реабилитациясига аҳамият берилган (Негматжонов Б.Б, Агабабян Л.Р., Носирова З.А. 2021).

Охирги йилларда амалиётда инновацион технологиялар жорий этилишига қарамай, эрта ёшдаги болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисоти ва даволаш йўллари охиригача такомиллашмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 5436 №012400286 рақамли илмий лойиҳа доирасида бажарилган: «Оналик ва болаликни, ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив соғлиғини мустаҳкамлаш учун илғор технологияларни ишлаб чиқиш» (2024-2028 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади** кесар кесиш операцияси билан туғилган болаларда ичак микробиоценози ҳолати ва уларда ўткир ичак инфекциялари кечиш хусусиятларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

янги туғилган чақалоқларда туғруқ турига боғлиқ ичак микробиоценози таркибини ўрганиш;

кесар кесиш операцияси ва физиологик йўл билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган болаларда ўткир ичак инфекциялари кечиш хусусиятларини ва ичак метаболик фаоллигини солиштирма тарзда ўрганиш;

кесар кесиш операцияси ва физиологик йўл билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган болаларда ўткир ичак инфекциялари этиологик структурасини ўрганиш;

ўткир ичак инфекциялари билан касалланган 0-3 ёшгача бўлган болаларда касаллик диагностикаси усулларини такомиллаштириш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Самарқанд шаҳар 1 сон туғруқ комплекси ва Жума шаҳар тиббиёт бирлашмаси туғруқхонасида кесар кесиш операцияси билан туғилган 200 нафар, физиологик йўл билан туғилган 200 нафар чақалоқ,

шулар орасидан саралаб олинган Самарқанд вилоят юқумли касалликлар шифохонасига ўтқир ичак инфекциялари билан мурожаат қилган ва даволанган 0-3 ёшгача бўлган кесар кесиш йўли билан туғилган 65 нафар ва физиологик йўл билан туғилган 65 нафар болалар кузатув остига олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида кесар кесиш операцияси ва физиологик йўл билан туғилган «Ўтқир ичак инфекцияси» ташхиси қўйилган болаларнинг қони ва нажаси олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни ўтказиш ва мақсадларга эришиш учун клиник, анамнестик, лаборатор-умумий қон тахлили, умумий сийдик тахлили, умумий нажас тахлили, нажас бактериологик тахлили, нажас биокиёвий тахлили газ суюқ хроматография (ГСХ) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

Самарқанд вилоятида биринчи марта янги туғилган чақалоқларда меконий микрофлораси таркиби туғруқ турига боғлиқлиги, кесар кесиш операцияси билан туғилган болаларда ичак микробиоценози бузилиши натижасида ўтқир ичак инфекциялари нисбатан кўп кузатилиши, оғир ва чўзилувчан кечиши аниқланилган;

биринчи марта ўтқир ичак инфекциялари ташхисотида ГСХ усулида ичак микрофлораси метаболик фаоллигини қисқа занжирли ёғ кислоталари (ҚЗЁК) миқдори ва спектри бўйича аниқлаш, ичак микрофлораси бузилиши анаэ/аэроб флора метаболик фаоллиги ўзгариши билан боғлиқлиги исботланган;

илк маротаба кесар кесиш йўли билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган, ўтқир ичак инфекциялари билан касалланган болалар нажасида ҚЗЁК спектри ўзгариши, бу гуруҳдаги болаларда ўтқир ичак инфекциялари ва респиратор инфекциялар бирга кузатилиши орасидаги (бронхиолит, пневмония) боғлиқлик асосланган;

ўтқир ичак инфекциялари билан касалланган 0-3 ёшгача бўлган болаларда касаллик этиологиясини аниқлашда ГСХ усули қўлланилиб, ичак микрофлорасида ҚЗЁК ўзгаришига боғлиқ ўтқир ичак касалликлари орасида қиёсий ташхис ўтказилган ва диагностик алгоритм яратилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

кесар кесиш ва физиологик йўл билан янги туғилган чақалоқларда туғруқ турига боғлиқ туғилганининг 1 ва 5-кунларида ичак микробиоценози таркиби ўрганилди. Кесар кесиш операцияси ва физиологик йўл билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган болаларда ичак микрофлораси метаболик фаоллигини солиштирма тарзда ўрганиш ўтқир ичак инфекциялари билан касалланган кесар кесиш операцияси ва физиологик йўл билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган болаларда ўтқир ичак инфекциялари этиологик структурасини аниқлашда ёрдам беради. Ўтқир ичак инфекциялари билан касалланган кесар кесиш операцияси ва физиологик йўл билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган болаларда касалликка эрта босқичларда ташхис қўйиш ва касаллик асоратларининг олдини олиш мақсадида ўтқир ичак инфекциялари диагностик усуллари такомиллаштирилди. Тадқиқот натижаларидан педиатрлар, юқумли

касалликлар бўйича мутахассислар, умумий амалиёт шифокорлари, неонатологлар амалий фаолиятда фойдаланишлари мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотда қўлланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор (бактериологик, ГСХ) ва статистик усуллар билан тасдиқланади, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, физиологик ва кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ичак микробиоценози ўзгаришларини аниқлашга имкон беради, шунингдек, кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ичак микрофлорасининг ўзгариши ўткир ичак инфекциялари ривожланиш хавфи билан боғлиқлигини аниқлашга ёрдам беради, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ичак микробиотасида юзага келадиган мураккаб механизмлар очиб берилганлиги, ичак микробиотасида ҚЗЁК ўрни тўғрисидаги назарий билимларни кенгайтиришга имкон бериши, кесар кесиш операцияси билан туғилган болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисотида ГСХ қўлланилиши ва уни амалиётга жорий этиш кесар кесиш йўли билан туғилган ўткир ичак инфекциялари касалликларига чалинган болаларда ичак микробиоценозини аниқлаш ва касалликларга чалиниш хавфини баҳолаш имконини бериши ва илмий тадқиқотнинг турли соҳаларда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Республикамизда кесар кесиш йўли билан туғилган болалар сони йилдан йилга ошиши ўткир юқумли ичак касалликлари билан касалланиш даражасининг ортишига, Соғлиқни сақлаш тизими соҳасида бу болаларни туғруқдан кейинги даврда парваришлаш бўйича мезонларни ишлаб чиқиш ва диспансер кузатувини ўз ичига оладиган комплекс норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишга асосланган йўриқномаларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бундай ёндашув эрта ёшдаги болалар орасида ўткир юқумли ичак касалликлари билан касалланиш даражаси камайишига, даволаш самарадорлигига ва ноҳуш оқибатларининг олдини олиш имконини бериш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кесар кесиш операцияси билан туғилган болаларда ўткир ичак инфекцияларининг кечиш хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* янги туғилган чақалоқларда меконий микрофлораси таркиби туғруқ турига боғлиқлиги, кесар кесиш операцияси билан туғилган болаларда ичак микробиоценози бузилиши натижасида ўткир ичак инфекциялари нисбатан кўп кузатилиши, оғир ва чўзилувчан кечиши аниқланганлиги бўйича олинган натижалар Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгаши томонидан 25.06.2024 йил 11-сон билан тасдиқланган “Кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисотини такомиллаштириш” услубий тавсияномага киритилган. Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг (Жиззах вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 11.07.2024 йилдаги 01-1386-сонли

хати, Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 23.07.2024 йилдаги 21-сонли буйруғи) амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.08.2024 йил 17-сон) ва Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг (Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 23.08.2024 йилдаги 01/968 - сонли хати, Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 23.08.2024 йилдаги 52-сонли буйруғи), амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.09.2024 йил 15-сон) билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги 08/33-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* кесар кесиш операцияси билан туғилган болаларда ичак микробиоценози ўзгаришини ўрганиш бу гуруҳдаги болаларда ўткир ичак инфекциялари даво чораларини такомиллаштиришга, ичак микрофлораси тикланиш муддатини қисқартиришга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ичак микробиоценозини ўрганиш келгусида касалликнинг эрта даврларида асоратларининг ва чўзилувчан шакли ривожланишининг олдини олишга, ҳамда юқумли касалликлар бўлимларида ётоқ кунларини камайтиришга имкон берган ва ҳар бир беморга даволаниш курси учун 543490 сўм миқдорида маблағ иқтисод қилинган (стационар даволанишда бир беморга кунлик озиқ-овқат 26786 сўмни, дори-дармон эса 27563 сўмни ташкил этди. Бу бир беморга кунлик сарфланадиган харажатларни 54349 сўмга қисқартиришга ёрдам берган). *Хулоса:* кесар кесиш операцияси билан туғилган болаларда ичак микробиоценози ўзгариши натижасида ўткир ичак инфекциялари нисбатан кўп кузатилиши ва физиологик йўл билан туғилган болалар билан таққосланганда уларда оғир ва чўзилувчан кечиши аниқланганлиги, ўтказилган таҳлиллар натижасида касаллик чўзилиши ва асоратларининг олдини олиш ҳисобига, бир нафар беморга бюджет маблағларини бир кунлик 54349 сўмга иқтисод қилиш имкониятига эришилган (беморларда касаллик асоратлари кузатилмаганда ўртача 5 кунлик стационар даволаниш 271745 сўмни ташкил этган). Бемор болаларда койка кунлари қисқариши бюджет маблағларини 271745 сўмга тежаш имконини берган;

*илкинчи илмий янгилик:* илк бор 0-3 ёшгача бўлган болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисотида ГСХ усулида ичак микрофлораси метаболик фаоллиги ҚЗЁК миқдори ва спектри бўйича ўрганилганда ичак микрофлораси бузилишлари анаэ/аэроб флора метаболик фаоллигининг ўзгариши билан боғлиқлиги исботланганлиги бўйича натижалар Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгаши томонидан 25.06.2024 йил 11-сон билан тасдиқланган “Кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисотини такомиллаштириш” услубий тавсияномага киритилган. Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг (Жиззах вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 11.07.2024 йилдаги 01-1386-сонли хати, Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 23.07.2024 йилдаги 21-сонли буйруғи) амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.08.2024 йил 17-сон) ва Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг (Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш

бошқармасининг 23.08.2024 йилдаги 01/968 - сонли хати, Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 23.08.2024 йилдаги 52-сонли буйруғи), амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.09.2024 йил 15-сон) билан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги 08/33-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* 0-3 ёшгача бўлган болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисотида ГСХ усулида нажасда ҚЗЁК аниқлаш касаллик кечиш хусусиятларини аниқлашга ва шу орқали касалликка эрта ташхис қўйиш, даво чораларини такомиллаштиришга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* 0-3 ёшгача бўлган болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисотида ГСХ усулида ичак микрофлорасида ҚЗЁК миқдори ва спектрини аниқлаш орқали лаборатория харажатлари тежалган. Шу асосда беморларга (бир беморга копрограмма, бактериологик таҳлил ва антибиотик сезгирлик нархи 332000 сўмни ташкил этган) касалликнинг эрта муддатларида ташхис қўйилиши натижасида бир беморга лаборатория харажатларидан 213500 сўм иқтисод қилинган (Самарқанд вилоят Юқумли касалликлар клиник шифохонасининг прејскурантига асосан ҳисобланади). *Хулоса:* кесар кесиш йўли билан туғилган болаларнинг ичак микрофлорасини ўрганиш болаларда ўткир юқумли ичак инфекциясига эрта муддатларда ташхис қўйиш ва ташхисотини такомиллаштириш орқали лаборатория харажатларини тежашга эришилган (бир беморга лаборатория таҳлиллари учун бюджетдан 332000 сўмлик реактивлар сарфланган).

*учинчи илмий янгилик:* кесар кесиш йўли билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган, ўткир ичак инфекциялари билан касалланган болалар нажасида ҚЗЁК спектри ўзгариши, бу гуруҳдаги болаларда ўткир ичак инфекциялари ва респиратор инфекциялар бирга кузатилиши орасидаги (бронхиолит, пневмония) боғлиқлик асосланганлиги бўйича олинган натижалар Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгаши томонидан 25.06.2024 йил 11-сон билан тасдиқланган “Кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисотини такомиллаштириш” услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг (Жиззах вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 11.07.2024 йилдаги 01-1386-сонли хати, Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 23.07.2024 йилдаги 21-сонли буйруғи) амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.08.2024 йил 17-сон) ва Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг (Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 23.08.2024 йилдаги 01/968 - сонли хати, Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 23.08.2024 йилдаги 52-сонли буйруғи) амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.09.2024 йил 15-сон) билан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги 08/33-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* кесар кесиш йўли билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган болаларда ўткир юқумли ичак касалликлари кечиш хусусиятларини ўрганиш касалликка эрта муддатларда ташхис қўйиш, касаллик асоратларининг ва ҳамроҳ касалликлар қўшилишининг олдини олиш чора-

тадбирларини белгилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* кесар кесиш йўли билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган болаларда ўткир юқумли ичак касалликларининг кечиш хусусиятларини ўрганиш ҳамроҳ касалликлар қўшилиши ва касаллик асоратларининг олдини олиш ҳисобига койка кунларини бир неча кунга қисқартириб, дори-дармон сарфини камайтириш имконини берган. Беморларга сарфланадиган бир кунлик бюджет маблағлари 54349 сўм ва бюджетдан ташқари маблағлар 100000 сўм миқдорида тежалган (бир беморга кунлик бюджетдан 27563 сўмлик дори воситалари сарфланган). *Хулоса:* кесар кесиш операцияси билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган болаларда ўткир ичак инфекциялари кечиш хусусиятларини ўрганиш юқумли касалликлар бўлимларида ўткир ичак инфекциялари билан касалланган болаларнинг даволаш самарадорлигини ошириб, касаллик асоратлари ва ҳамроҳ касалликлар қўшилишининг олдини олиш ҳисобига бир кунлик 127563 сўмлик маблағларни тежашга ердан берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* ўткир ичак инфекциялари билан касалланган 0-3 ёшгача бўлган болаларда касаллик этиологиясини аниқлашда илк маротаба ГСХ усулида ташхис қўйиш қўлланилиши ва диагностик алгоритм аҳамиятлилиги аниқланганлиги бўйича натижалар Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгаши томонидан 25.06.2024 йил 11-сон билан тасдиқланган “Кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ўткир ичак инфекциялари ташхисотини такомиллаштириш” услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг (Жиззах вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 11.07.2024 йилдаги 01-1386-сонли хати, Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 23.07.2024 йилдаги 21-сонли буйруғи) амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.08.2024 йил 17-сон) ва Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг (Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 23.08.2024 йилдаги 01/968 - сонли хати, Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 23.08.2024 йилдаги 52-сонли буйруғи), амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.09.2024 йил 15-сон) билан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги 08/33-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ўткир ичак инфекциялари билан касалланган 0-3 ёшгача бўлган болаларда касаллик этиологиясини аниқлашда ГСХ усулини қўллаш орқали касалликка эрта ташхис қўйиш ва касалликнинг эрта муддатларида қиёсий ташхис ўтказиш имконияти яратилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ўткир ичак инфекциялари билан касалланган 0-3 ёшгача бўлган болаларда касаллик этиологиясини аниқлашда ГСХ усулини қўллаш орқали такрорий касалланишлар олдини олишга, йил давомида юқумли касалликлар бўлимларида ётоқ кунлари сонини камайтириш имконини берган ва шу асосда бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағлари 271745 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағлар 100 000 сўмга иқтисод қилишга эришилган (Самарқанд вилоят Юқумли касалликлар клиник шифохонаси прејскурантига асосан ҳисобланди). *Хулоса:* 0-3 ёшгача бўлган ўткир ичак инфекциялари билан касалланган болаларда туғруқ турига боғлиқ касаллик этиологиясини аниқлашда ГСХ усулини қўллаш ва касаллик қиёсий ташхисотини ўтказишда диагностик алгоритмдан фойдаланиш ушбу касаллик ташхисотини

такомиллаштиришда юқори самарадорликни кўрсатган, педиатрлар, юқумли касалликлар бўйича мутахассислар, умумий амалиёт шифокорлари, неонатологлар амалиётида фойдаланиш учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та ҳалқаро ва 9 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 19 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кесар кесиш операцияси билан туғилган чақалоқларда ичак микробиоценози ҳолати ва уларда ўткир юқумли ичак касалликлари кечиш хусусиятлари»** номланган биринчи бобида кесар кесиш операцияси билан туғилган болаларда ўткир ичак касалликлари кечиш хусусиятларини ўрганиш бўйича сўнгги йиллардаги адабиётлар материаллари таҳлили батафсил ёритилган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ютуқлари замонавий даражада чуқур таҳлил қилинган, шарҳда ичак микрофлорасининг иммунитетга таъсири, ичак экотизимидаги ўзгаришлар, ичак микрофлорасини текшириш усуллари ҳамда ГСХ усулида нажас биокимёвий маркерларининг ташхисий аҳамияти ҳақида тавсифлар берилган, ичак микрофлорасида ҚЗЁК кўрсаткичлари бўйича нашр этилган кўплаб тадқиқотлар кўриб чиқилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган томонлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Кузатувдаги беморларни ўрганиш бўйича материаллар ва текшириш усуллари тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида ушбу тадқиқотни амалга оширишга оид материаллар ҳамда усуллар келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд шаҳар 1 сон туғруқ комплексида ва Жума шаҳар тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплексида 2021-2022-2023 йилларда кесар кесиш операцияси билан туғилган 200 та ва физиологик усулда туғилган 200 чақалоқларнинг ичак микробиоценози туғруқ усулига боғлиқлиги ўрганилган. Кузатув остидаги чақалоқлар орасидан ўткир ичак инфекцияси ташхиси


Самарқанд вилоят Юқумли касалликлар клиник шифохонасида 65 та физиологик ҳамда 65 та кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ўткир ичак инфекциялари кечиш хусусиятлари ёритилган. Тадқиқот давомида болаларнинг туғилиш усули, овқатланиши (табiiй ва сунъiiй), ҳамроҳ касалликлари ўрганилди. Текширув материали сифатида қон, сийдик, нажас олинди ва текширув усулларида умумий қон, сийдик, нажас таҳлили, нажас бактериологик таҳлили, нажас биокимёвий таҳлили ўтказилди. Янги туғилган чақалоқларда ичак микрофлораси ҳолати сифатий ва миқдорий кўрсаткичлари Ўзбекистонда биринчи мартаба ГСХ усулида ўрганилди. ГСХ усули Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Биокимё институти, органик синтез ва биоорганик кимё кафедраси лабораториясида ўтказилди.

Диссертациянинг «Текширувдаги беморларнинг клиник характеристикаси» учинчи бобида кесар кесиш йўли ва физиологик йўл билан туғилган болаларда туғруқ усулига боғлиқ ичак микробиоценози ҳолати ўрганилган. Кузатувдаги беморлар орасида Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасига мурожаат этган беморларда анамнестик маълумотлар, умуклиник лаборатор таҳлил натижалари, нажас биокимёвий ва бактериологик таҳлили натижалари келтирилган. Самарқанд шаҳар 1 сон туғруқ комплексида ва Жума шаҳар тиббиет бирлашмаси туғруқ комплексида 2021-2022-2023 йилларда кесар кесиш операцияси билан туғилган 200 нафар ва физиологик усулда туғилган 200 нафар чақалоқлар олинди, иккала гуруҳдаги чақалоқларнинг соғлиқ ҳолати кўрсаткичлари ўрганилди. Тадқиқот давомида беморларнинг гестацион муддати (гестация муддати 36-40 ҳафта), вазни (1800-4500 г), Алгар шкаласи бўйича баҳоланиши (7-10 балл), овқатланиш тури (табiiй ва сунъiiй), жинси ўрганилди. Болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳоловчи антропометрик кўрсаткичлари умумий қабул қилинган центил жадваллар асосида центил кўрсаткичларга асосан баҳоланди (Воронцова И.М., Мазурин А.Н., 2009).

Кузатувдаги янги туғилган чақалоқлар 2 гуруҳга бўлиб ўрганилди: 1 гуруҳ асосий гуруҳ бўлиб, бу гуруҳга кесар кесиш операцияси билан туғилган болалар ( $n=200$ ), иккинчи гуруҳ назорат остидаги гуруҳ бўлиб, унга физиологик усулда туғилган болалар олинди ( $n=200$ ). Асосий гуруҳ кесар кесиш операцияси билан туғилган 200 нафар чақалоқдан иборат бўлиб, жумладан 36-37 ҳафталик гестацион муддат 50 (25%), 37-38 ҳафталик гестацион муддат 40 (20%) ва 38-39 ҳафталик гестацион муддат 80 (40%), 39-40 ҳафталик гестацион муддат 20 (10%), 40-41 ҳафталик гестацион муддат 10 (5%). Назорат гуруҳида- физиологик йўл билан туғилган 200 иборат бўлиб, чақалоқдан иборат жумладан 36-37 ҳафталик гестацион муддат 8 (4%), 37-38 ҳафталик гестацион муддат 12 (6%) ва 38-39 ҳафталик гестацион муддат 25 (12,5%), 39-40 ҳафталик гестацион муддат 105 (52,5%), 40-41 ҳафталик гестацион муддат 50 (25%) (1-расм).

Кесар кесиш йўли билан туғилган болаларнинг 45% гестацион муддат бўйича эрта туғилиш, назорат гуруҳидагиларда бу кўрсаткич 10% ни ташкил этди. Асосий гуруҳдаги янги туғилган чақалоқларнинг вазни  $3350 (3347,5 \pm 102)$  г, бўйи-  $53 (50,3 \pm 1,5)$  см, туғилишдаги ҳолат 20% да қоникарли, ўртача-46,5% да, оғир-33,5% ҳолларда, назорат гуруҳидаги янги туғилган чақалоқларда тана вазни  $3150 (3421,7 \pm 112)$  г, бўйи-  $52 (51,3 \pm 1,1)$  см, туғилган пайти 53% янги туғилган

чақлоқларнинг ҳолати қоникарли, 47% чақалоқларнинг умумий аҳволи ўртача оғир дея баҳоланди.



### 1-расм. Кесар кесиш ва физиологик йўл билан туғилган чақалоқларнинг гестацион муддати бўйича тақсимланиши n=400

Физиологик туғруқ билан туғилган чақалоқларда оғир ҳолат кузатилмади. Чақалоқлар ичак микрофлорасидаги учувчан ёғ кислоталари метаболитлари ўзгаришлари ГСХ усулида Ардатская М.Д. (2015) методи асосида текширилди. Чақалоқларнинг нажасини йиғиш бола туғилганининг биринчи суткасида бошланди. Такрорий текширув болаларга жавоб берилаётган кун амалга оширилди. Иккала гуруҳдаги чақалоқлар меконийсидаги ҚЗЁК кўрсаткичлари ҳаётининг 1 куни ўзаро солиштирганда сезиларсиз фарқ кузатилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

### Кесар кесиш ва физиологик йўл билан туғилган чақалоқларда туғилганининг 1 кунда учувчан ёғ кислоталари кўрсаткичлари (мг/мл)

Қисқа занжирли (учувчан) ёғ кислоталари	Янги туғилган чақалоқлардаги референс* кўрсаткичлар	Аниқланган қийматлар			
		Кесар кесиш йўли билан (n=200, P<0.01)		Физиологик йўл билан (n=200, P<0.01)	
		$\bar{x} \pm \Delta x$	S <sub>r</sub>	$\bar{x} \pm \Delta x$	S <sub>r</sub>
<b>Аниқланган қийматлар</b>					
С2 (сирка), абсолют қиймати, мг/г	5.88	4.84±0.020	0.71	5.39±0.047	0.34
С3 (пропион), абсолют қиймати, мг/г	1.79	1.07±0.034	2.52	1.22±0.014	0.93
С4 (мой) абсолют қиймати мг/г	1.75	0.89±0.024	2.43	1.17±0.015	1.36
ИзоСn ∑ (изоС4 + изоС5 + изоС6), абсолют қиймати, мг/г	0.63	0.64±0.014	1.79	0.66±0.020	2.39
Умумий миқдори ∑ (С2+...С6), мг/г	10.51	8.91±0.029	0.26	9.09±0.036	0.32

Ҳисобланган қийматлар					
С2 (сирка), нисбий қиймати, бирлик	2.634	0.53±0.014	2.01	0.61±0.015	2.17
С3 (пропион), нисбий қиймати, бирлик	1.189	0.14±0.002	1.39	0.12±0.002	1.24
С4 (мой), нисбий қиймати, бирлик	1.176	0.09±0.002	1.46	0.10±0.002	1.61
ИзоСп ∑ (изоС4 + изоС5 + изоС6), нисбий қиймати, бирлик	0.59	0.07±0.001	1.43	0.08±0.001	1.43
ИзоСп/Сп, бирлик	0.3 ÷ 0.6	0.09±0.001	1.44	0.09±0.001	1.44
Анаэроб индекс (С2-С4), бирлик	-0.576	0.34±0.007	1.63	0.42±0.010	1.98

**Изох:** \* - 1 чи ва 2 чи гуруҳлар бир бирига нисбатан фарқланиш ишончли ( $P < 0,01$ )

ҚЗЁК концентрацияси кўрсаткичларини таққослаш ҳисоблаш тиббиёти (Ме) ёрдамида [- , +] ишонч оралигини кўрсатган ҳолда амалга оширилди.

\*-референс қийматлар манбаси: Ардатская М.Д. Дисбиоз (Дисбактериоз): современные состояние проблемы, комплексная диагностика и лечебная коррекция // Журнал «Экспериментальная и клиническая гастроэнтерология». Выпуск 117. № 5, 2015. 13-50 стр.

Кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ҳаётининг 1 кунда бифидобактериялар 76 (38%) нафар болаларда, физиологик йўл билан туғилган болаларда 105 (52,5%) изида  $10^5$ – $10^{10}$  КХБ/г. кўрсаткичда, кесар кесиш йўли билан туғилган болаларнинг 35 (17,5%) изида, физиологик йўл билан туғилган болаларнинг 38 (19%) гуруҳида лактобактериялар  $10^6$  КХБ/г. кўрсаткичда аниқланилди. Шартли патоген флора вакилларида *Citrobakter*  $10^4$  КХБ да кесар кесиш йўли билан туғилган болаларнинг 11 (5,5%) изида, физиологик йўл билан туғилган болаларнинг 2 (1,0%) изида, асосий гуруҳдагиларнинг 12 (6%) изида, назорат гуруҳидагиларнинг 5 (2,5%) изида *Candida spp.*  $10^3$  КХБ, асосий гуруҳдагиларнинг 47 (23,5%) изида, назорат гуруҳидагиларнинг 22 (11%) изида *Klebsiella*  $10^3$  КХБ да қайд этилди.

Туғилганининг 5-кунда кесар кесиш йўли билан туғилган болалар гуруҳида нажасда анаэроб индекс физиологик йўл билан туғилган болалар гуруҳига нисбатан баландлиги қайд этилди. Бу ҳолат асосан сунъий овқатлантиришда бўлган болалар гуруҳида кузатилди. Бактериологик таҳлилда бу гуруҳдаги (кесар кесиш) сунъий овқатлантиришда бўлган болаларнинг 150 (75%) изида шартли-патоген микроорганизмлар, жумладан клостридиялар (*Clostridium spp.*  $10^4$  КОЕ/г, концентрацияда) аниқланилди.

Бу ҳолат кесар кесиш йўли билан туғилган ичаги микробиоценози физиологик йўл билан туғилган болалар ичак микробиоценозидан фарқ қилишини кўрсатади. Кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда кислоталарнинг умумий миқдори 8,91 ( $8.91 \pm 0.029$ ) мг/г ни ташкил этди. Жавоб берилаётган куни бу кўрсаткичнинг пасайганлиги қайд этилди ( $2,285 \pm 0,046$  мг/г) ( $p < 0,001$ ). Корреляцион таҳлиллар ҚЗЁК умумий миқдори бола ёшига боғлиқ ўзгариб боришини кўрсатди ( $p = -0,365$ ;  $p < 0,005$ ).

Болалар ҳаётининг 5-кунида КК йўли билан туғилган болаларда сирка ва пропион кислота миқдори ФТ га нисбатан (1,24 мг/г) қарийб икки баробар камлиги аниқланди. Физиологик йўл билан туғилган болалар гуруҳида пропион кислота миқдорининг ошиш тенденцияси аниқланилди. Мой кислота миқдори ФТ (2.66 мг/г) да КК (1.17 мг/г) га нисбатан ошганлиги кузатилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Кесар кесиш ва физиологик йўл билан туғилган чақалоқларда туғилганининг 5 кунда учувчан ёғ кислоталари кўрсаткичлари (мг/мл)

Қисқа занжирли (учувчан) ёғ кислоталари	Янги туғилган чақалоқлардаги референс* кўрсаткичлар	Аниқланган қийматлар			
		Кесар кесиш йўли билан (n=200, P<0.01)		Физиологик йўл билан (n=200, P<0.01)	
		$\bar{x} \pm \Delta x$	S <sub>r</sub>	$\bar{x} \pm \Delta x$	S <sub>r</sub>
<b>Аниқланган қийматлар</b>					
С2 (сирка), абсолют қиймати, мг/г	3.88	1.24±0.042	0.43	2.17±0.014	0.53
С3 (пропион), абсолют қиймати, мг/г	1.79	1.08±0.010	0.15	1.29±0.002	1.45
С4 (мой) абсолют қиймати мг/г	2.75	1.17±0.006	0.49	2.66±0.016	0.49
С5 (валериан) абсолют қиймати, мг/г**	0.045÷0.160	-	-	0.24±0,002	0,66
i-С5 (изовалериан) абсолют қиймати мг/г	0.087÷0.224	-	-	0.04±0,002	3,24
ИзоСn ∑ (изоС4 + изоС5 + изоС6), абсолют қиймати, мг/г	0.63	0.46±0.004	0.53	0.54±0,003	0,45
Умумий миқдори ∑ (С2+...С6), мг/г	10.51	8.69±0,118	0.47	13.54±0.079	1,07
<b>Ҳисобланган қийматлар</b>					
С2 (сирка), нисбий қиймати, бирлик	2.93	0.77±0.003	0.36	1,94±0,006	1,87
С3 (пропион), нисбий қиймати, бирлик	1.28	0.88±0.003	2.61	1,17±0,002	2,21
С4 (мой), нисбий қиймати, бирлик	1.271	1.07±0.003	2.98	1,80±0,010	2,64
ИзоСn ∑ (изоС4 + изоС5 + изоС6), нисбий қиймати, бирлик	0.059	0.45±0.002	3.16	0,60±0,002	3,07
ИзоСn/Сn, бирлик	0.3 ÷ 0.6	0.07±0.002	2.76	0,10±0,003	2,62
Анаэроб индекс (С2-С4), бирлик	10.51	7.79±0,117	0.47	11.54±0.078	1,08

**Изох:** \* - 1 чи ва 2 чи гуруҳлар бир бирига нисбатан фаркланиш ишончли (P<0,01) ҚЗЭК концентрацияси кўрсаткичларини таққослаш ҳисоблаш тиббиёти (Ме) ёрдамида [-,+ ] ишонч оралигини кўрсатган ҳолда амалга оширилди.

\*-референс қийматлар манбаси: Ардатская М.Д. Дисбиоз (Дисбактериоз): современные состояние проблемы, комплексная диагностика и лечебная коррекция // Журнал «Экспериментальная и клиническая гастроэнтерология». Выпуск 117. № 5, 2015. 13-50 стр.

Кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда ҳаётининг 5 кунда бифидобактериялар 67 (33,5%) нафар болаларда, физиологик йўл билан туғилган 143 (71,5%) нафар болаларда  $10^9$  КХБ да, кесар кесиш йўли билан туғилган болаларнинг 80 (40%) тасида, физиологик йўл билан туғилган болаларнинг 110 (55%) тасида лактобактериялар  $10^6$  КХБ да аниқланилди. Шартли патоген флора вакилларида *Citrobakter spp* ( $10^4$  КХБ), *Candida spp.* ( $10^3$  КХБ) *Klebsiella. spp* ( $10^3$  КХБ), *Enterobakter spp* ( $10^4$  КХБ), *Proteus spp* ( $10^3$  КХБ) асосий гуруҳдаги болаларнинг кўпчилигида ошганлиги қайд этилди.

Кесар кесиш ва физиологик йўл билан туғилган чақалоқларда ГСХ усули қўлланилиши билан ҚЗЁК миқдорини ўрганиш ичак микрофлораси бузилишларини аниқлашга ёрдам беради. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, кесар кесиш операцияси билан туғилган болалар нажасида бифидофлоранинг кечроқ пайдо бўлиши кузатилди. Бу ҳолат, нафақат эрта чақалоқлик даврида, бола маълум муддатга етгунча бу омил ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Кесар кесиш ва физиологик йўл билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган болаларда ўткир юқумли ичак касалликлари кечиш хусусиятларини таҳлил қилишда Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасига “Ўткир ичак инфекциялари” ташхиси билан мурожаат қилган 0-3 ёшгача бўлган болалар орасидан саралаб танлаб олинган гуруҳлар орасида ўтказилган кузатув ва таҳлил натижаларига асосланган. Беморлар 2 гуруҳга бўлиб ўрганилди. Асосий гуруҳни кесар кесиш йўли билан туғилган болалар, назорат гуруҳини табиий йўл орқали туғилган болалар ташкил қилди. Тадқиқот давомида болаларнинг овқатланиш тури (табиий ва сунъий), жинси, ҳамроҳ касалликлари ўрганилди. Олинган маълумотларнинг ишончилиги юқори бўлиши учун текширувдаги болалар 3 ёшгача бўлиб, ҳар бир гуруҳга тенг миқдорда олинди. Беморлар 3 гуруҳга бўлиниб ўрганилди. Асосий гуруҳдаги 1 ёшгача бўлган болалар ( $n=53$ ), 1-2 ёш ( $n=6$ ), 2-3 ёш ( $n=6$ ). Назорат гуруҳидаги болалар ҳам худди шу тартибда тақсимланди: ( $n=35$ ), 1-2 ёш ( $n=23$ ), 2-3 ёш ( $n=7$ ). Беморларни шифохонага ётқизиш муддати, касаллик клиник кечиши, преморбид патологиялари ва ҳамроҳ касалликлари бўйича таққосланди. Асосий гуруҳдаги беморлар жинси бўйича қуйидагича тақсимланди - қиз болалар 21 (32,3)%, ўғил болалар-44 (67,7%). Назорат гуруҳидагилар: қиз болалар 32 (49,3%), ўғил болалар-33 (50,7%). Беморларнинг ёш таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг кўпчилигини 1 ойдан 1 ёшгача бўлган беморлар 88 (67,7%) ташкил қилади. Шундай қилиб, ўткир ичак инфекциялари энг катта улуши 1 ёшгача бўлган болаларга тўғри келади (2-расм).



## 2-расм. Самарқанд вилоят Юқумли касалликлар клиник шифохонасида кузатув остига олинган ўткир ичак инфекциялари билан касалланган 0-3 ёшгача бўлган болаларнинг ёш бўйича тақсимланиши (n=130)

Тадқиқотимиз давомида ўткир ичак инфекцияси (ЎИИ) билан касалланган болаларда касаллик оғирлик шакллари билан болалар ёши бўйича тақсимланди. Кузатувдаги асосий гуруҳдаги беморларда ЎИИ енгил шакли 16 (24,6%), ўрта оғир шакли – 30 (46,1%), оғир шакли – 19 (29,2%). Назорат гуруҳидаги беморларда касаллик енгил шакли 26 (40,1%), ўрта оғир шакли 30 (46,1%), оғир шакли 9 (13,8%) ни ташкил этди. 3-жадвалдан кўришиб турибдики, асосий гуруҳдаги болаларда касалликнинг ўрта оғир шакли ва оғир шакли енгил шаклига нисбатан кўпроқ кузатилганлиги маълум бўлди ва кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишончли бўлди ( $P < 0,001$ ). 0-3 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг оғир ўтиши улардаги ичак микрофлорасининг тўлиқ шакланмаганлиги билан боғлиқ.

3-жадвал

## Кесар кесиш ва физиологик йўл билан туғилган ЎИИ билан касалланган 0-3 ёшгача бўлган болаларнинг касаллик оғирлик даражаси бўйича тақсимланиши (n=130)

№	Туғруқ усули	Енгил шакли	Ўрта оғир шакли	Оғир шакли	P
1.	Кесар кесиш йўли билан туғилган болалар	16 (24,6%)	30 (46,1%)	19 (29,2%)	$p < 0,05$
2.	Физиологик йўл билан туғилган болалар	26 (40,1%)	30 (46,1%)	9 (13,8%)	$p < 0,05$

Изох: гуруҳлар орасидаги фарқланиш ишончилиги  $P < 0,05$

Анамнездан асосий гуруҳдаги болаларнинг 2 (43,1%), назорат гуруҳида эса 13 (20%) нафари сунъий озиклантиришда бўлган. Асосий гуруҳдаги болалар 27 (41,5%) ҳолатда, назорат гуруҳидаги болалар 20 (30,8%) аралаш овқатлантиришда эканлиги маълум бўлди.

Кузатувдаги болаларнинг эмланиш ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Кесар кесиш йўли билан туғилган кузатувдаги болалар орасида тиббий кўрсатма асосида вақтинча эмланмаганлар 8 (12,3%), тўлиқ эмланмаганлар эса 12 (18,5%), кечикиб эмланганлар 30 (46,1%) ни ташкил этди. 15 нафар (23%) бола ўз вақтида эмлашларни қабул қилишган. Поликлиникада тўлиқ эмланмаган болалар

туғруқхонада (БЦЖ ва ВГВ-0) қабул қилишган. Назорат гуруҳидаги болалар орасида бу кўрсаткич паст фоизларни кўрсатди: тўлиқ эмланмаган болалар 3 (4,6%), тиббий кўрсатма асосида вақтинча эмланмаган болалар 4 (6,2%) дан иборат. 48 нафар (73,8%) болалар ўз вақтида эмлашларни олишган. 10 нафар бола (15,4%) эмлашларни кечикиб қабул қилишган. Физиологик йўл билан туғилган болалар орасидаги кўрсаткич асосий гуруҳидаги беморларга нисбатан 3 баравар кам кўрсаткичларни кўрсатади. Болалар ўртасида вазн етишмовчилиги таҳлил қилинганда кесар кесиш операцияси билан туғилган болалар гуруҳида 39 нафариди (60%) изида гипотрофия I,II,III даражалари аниқланилди. Назорат гуруҳидаги болаларнинг 17 тасида вазн етишмовчилиги I,II даражаси қайд этилди.

**4-жадвал**

**Кесар кесиш ва физиологик йўл билан туғилган ўйи билан касалланган 0-3 ёшгача бўлган болаларнинг вазн етишмовчилиги бўйича тақсимланиши (n=130)**

№	Болаларнинг ёши	Кесар кесиш йўли билан туғилган болалар (n=65)	Табиий йўл билан туғилган болалар (n=65)	P
1.	0-3 ойлик	7 (17,9%)	2 (11,8%)	p<0,05
2.	3-6 ойлик	10 (25,7%)	3 (17,6%)	p<0,05
3.	6-9 ойлик	10 (25,7%)	3 (17,6%)	p<0,05
4.	9-12 ойлик	8 (20,5%)	3 (17,6%)	p<0,05
5.	1-2 ёш	2 (5,1%)	4 (23,6%)	p<0,05
6.	2-3 ёш	2 (5,1%)	2 (11,8%)	p<0,05
	Жами	39 (100%)	17 (100%)	<b>100%</b>

**Изох:** гуруҳлар орасидаги фарқланиш ишончлилиги P<0,05

Таҳлиллардан маълум бўлдики, кесар кесиш операцияси билан туғилган болалар ўртасида вазн етишмовчилиги 1 ёшгача бўлган болалар орасида нисбатан кўпроқ қайд этилди (4-жадвал).

Асосий гуруҳидаги 25 (38,4%) болаларда преморбид фон мавжуд бўлиб, болаларнинг 20 (30,7%) изида анамнезида юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликлари билан қайта қайта касалланиши аниқланилди. Кузатувдаги 23 (35,3%) нафар болалар айна дамдаги стационар даволанишдан олдин ҳам шифохоналарда «Ўткир ичак инфекцияси» билан даволаниб юрганлиги маълум бўлди. Кесар кесиш йўли билан туғилган болаларнинг 12 (18,5%) атопик дерматит, 39 нафариди (60%) гипотрофия, 13 (20%) болаларнинг невропатолог кузатувида эканлиги аниқланилди. Асосий гуруҳидаги болаларда 65 (100%) нафариди камқонлик қайд этилди. Тадқиқот давомида иккала гуруҳидаги болаларнинг 82 (63%) изида касалликнинг микстинфекция кўринишида кечиши, яъни респиратор ва ўйи касалликларнинг кўшилиб келиши кузатилди. Асосий гуруҳидагиларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликлари 16 (24,6%) нафариди, пастки нафас йўллари яллиғланиш касалликлари (бронхит, пневмония) 39 (75%) нафар болада, назорат гуруҳида эса 9 (13,8%) нафар болада юқори нафас, 18 (27,7%) нафар болада пастки нафас йўллари яллиғланиш касалликлари қайд этилди. Асосий гуруҳидаги болаларда ўйи касалликларнинг оғир кечиш ва асоратланиши кузатилди (20,8%). Кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда физиологик йўл билан туғилганларга нисбатан ўйи касалликлари 3 баравар кўп учраши (84,6%) ва уларда касалликнинг оғир кечиши кузатилди. Кузатув остидаги ўткир ичак инфекциялари билан касалланган кесар кесиш йўли билан туғилган болаларда, диатез, атопик дерматит ва ўйи касалликлари келиб чиқиши ичаклар микрофлораси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кесар кесиш йўли билан туғилган

болаларда ичак микрофлораси тўлиқ шаклланмаганлиги натижасида ушбу болаларда ЎИИ ва юқори нафас олиш йўллари яллиғланиш касалликларининг узок чўзилишига ва тез тез қайталанишига олиб келди (20,8%).

Кузатув остидаги болаларда касаллик ўтиши ва симптомларининг давомийлиги 5- жадвалда кўрсатиб ўтилган.

### 5-жадвал

#### Кесар кесиш ва физиологик йўл билан туғилган 0-3 ёшгача бўлган болаларда касаллик асосий клиник кўринишлари ва уларнинг давомийлиги (n=130)

Кузатувдаги ЎИИ билан касалланган болаларда касаллик асосий белгилари давомийлиги ва ифодаланиши	Назорат (n=65),%	Асосий гуруҳ (n=65),%
<b>Касаллик бошланишидаги белгилар:</b>		
а) кусиш+диарея	20,0 (n=13)	10,8 (n=7)
